



БОЗОР, ПУЛ ВА КРЕДИТ

Ойланг наминг-саламинг журнал

РЫНОК, ДЕНЬГИ И КРЕДИТ

Ежемесячный научно-практический журнал

09 2019



• Краткосрочный прогноз инфляции в Республике Узбекистан на основе метода комбинирования эконометрических моделей – стр. 11

• Божхона тўловларини ундиришда божхона қиймати ва уни аниқлашни такомиллаштириш йўллари – 20-бет

• Агробанкнинг янгиланаётган қиёфаси – 50-бет

UZBEKISTAN

ЗОНА ТАМОЖЕННОГО КОНТРОЛЯ



ISSN 2010-6580



9/2019
Сентябрь (268)

Бозор, пул ва кредит

Ойлик номий-амалий журнал

1996 йил сентябрдан нашр этилмоқда

БУ СОНДА В ПОШЕРЕ

ИСЛОҲОТЛАР

- 6 **В. Умиров**
А. Шодмонов: Иқтисодий ислохотларнинг самарадорлиги улар қай даражада сифатли амалга оширилаётгани билан белгиланади

МОНЕТАРНАЯ ПОЛИТИКА

- 11 **Х. Усмоналиев, А. Алиев**
Краткосрочный прогноз инфляции в Республике Узбекистан на основе метода комбинирования эконометрических моделей

БЮДЖЕТ СЌБСАТИ

- 20 **Т. Пардаев**
Божхона тўловларини ундиришда божхона қўймати ва уни аниқлашни такомиллаштириш йўллари

ТАМОЖЕННОЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО

- 30 **А. Каххаров**
Упрощение международной торговли: совершенствование таможенного законодательства

БАНК ФАОЛИЯТИ / БАНКОВСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ

- 38 **А. Эшназаров**
Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит таъминотида кафилликнинг тугган роли

- 43 **С. Тоғаев, Ж. Абдурасулов**
Банк фаолиятини макропруденциал тартибга солишнинг услубий ва амалий хусусиятлари

- 50 **Н. Джианов**
Агробанкнинг янгиланаётган қиёфаси

- 54 **Б. Муҳаммадиев**
«Ўзмиллийбанк» истиқболли лойиҳаларни молиялаштирмоқда

- 58 **А. Мусоев**
Инновационные банковские услуги

РАЗВИТИЕ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА

- 63 **С. Дусматов, Б. Тағаев**
Роль малого бизнеса в обеспечении занятости населения Узбекистана в условиях модернизации экономики

МОЛИАВИЙ САВОДХОНЛИК

- 69 **Ш. Қобилов**
Суғурта хизмати бизга нима беради?



6



11



20



50



БАНК ФАОЛИЯТИНИ МАКРОПРУДЕНЦИАЛ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ УСЛУБИЙ ВА АМАЛИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

*Салим Тоғаев,
Жамшидбек Абдурасулов,
Самарқанд иқтисодиёт
ва сервис институти*

Моҳиятан олганда, мазкур вазифалар мажмуини миллий банк сектори фаолиятини макропруденциал тартибга солиш тизимини шакллантиришга йўналтирилган тадбирлар комплекси деб ҳисоблашимиз мумкин.

Макропруденциал тартибга солиш тизими элементлари, ишлаш механизмлари ва воситаларининг кенг қўламли эканлигини ҳисобга олган ҳолда мазкур тизимнинг банк миссияси ва стратегиясини амалга ошириш самарадорлигини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти, шунингдек, таъсир доирасининг таҳлили асосида тегишли қўлоса ва таклифлар ишлаб чиқиш билан чекланамиз.

Бевосита таҳлил жараёнига ўтишдан олдин бир қатор муаммоларни қайд қилишимиз зарур. Фикримизча, бу макропруденциал тартибга солиш механизми роли ва аҳамиятини баҳолашга хизмат қилади. Мазкур муаммолар бир томондан макропруденциал назорат тизимини шакллантириш жараёнига тегишли бўлса, иккинчи томондан улар турли табиатга

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 12 сентябрдаги «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3270 сонли Қарорида тижорат банкларининг капиталлашув ва ликвидлилик даражасини ошириш, банк рискларини баҳолаш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш йўналишларидан бири сифатида FSAP дастуридан¹ фойдаланган ҳолда банк назорати бўйича халқаро Базель комитети талаблари доирасида банк рискларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, тижорат банклари ликвидлилик позициясини стресс-тестдан ўтказишнинг ягона услубиётини ишлаб чиқиш йўли билан банк тизимини институционал ривожлантириш ва банк рискларини баҳолаш ҳамда бошқариш тизимларини такомиллаштириш вазифаси белгилаб берилган.

эга рискларнинг банк фаолиятига таъсирига алоқадордир.

Эътироф этиш зарурки, банк назорати бўйича Базель III келишуви меъёрларининг қўлланилиши банк фаолиятини тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади. Айни пайтда шундай омиллар мавжудки, улар қайд қилинган келишув мезонларининг банк фаолиятига жорий қилиниши барча турдаги рискларнинг бартараф

этилишини таъминлаб бериши эҳтимоли максимал даражага чиқишига тўсқинлик қилади.

Хусусан:

- ◆ капиталнинг максимал даражаси инқироздан қутқара олмайди. Тан олиш зарурки, инвесторлар «кайфияти» ва келажакка бўлган прогнозлар ўзгарган пайтда (айниқса, ривожланган мамлакатларда), юқори даражада капиталлашган банклар ҳам уларнинг наза-

¹ Молия секторини баҳолаш дастури (Financial Sector Assessment Program).



рида капиталлашув даражаси паст ва тўловга қодир бўлмаган банк сифатида чиқиши мумкин. Бундай ҳолат 2007–2008 йиллар давомида ҳам кузатилган эди. ХВФнинг инқирозга оид ҳужжатларида қайд этилишича, капитал билан таъминланиш даражаси кўрсаткичи инқироз даврида катта аҳамият касб этмади. Фақат узок давр мобайнида жуда катта миқдордаги капиталнинг банк балансида сақланиши инқироздан қутқариши мумкин;

◆ капиталнинг етарлилик даражасини баҳолашда рискларга тортилган активлар кўрсаткичи қўлланилади. Рискларнинг тегишли даражаси ретроспектив тарзда аниқланади. Базель келишуви доирасида аниқланган рискларга тортилган активлар бўйича риск даражаси рецессия даврида бирор аҳамият касб этмади. Бунинг бош сабаби инвесторлар ёки тартибга солиш органларининг

хатоликларида эмас, балки юзага келиши эҳтимоли бўлган рискларни аниқ баҳолаш имкониятининг йўқлигида эди, деб ҳисоблашимиз мумкин. Чунки ўзаро алоқадорлик ва тобелик даражаси юқори бўлган, кескин ўзгарувчан иқтисодий шароитда рисклар ўз табиати ва юзага келиш шаклини доимий тарзда ўзгартириб туради;

◆ банк фаолиятида юзага келаётган рисклар мониторинги учун мамлакат ичидаги ва хорижий молия бозорлари ва кредит ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги аниқ (текширилган) маълумотлар талаб қилинади. Қуйида қайд этилган бир қатор сабабларга кўра мазкур маълумотларни олишнинг ўзи етарли муаммоларни юзага келтиради: а) тартибга солиш ва таҳлил қилиш учун зарурий маълумотларнинг қонунчилик нормалари билан чекланиши; б) баъзи бозорлар/молиявий маҳсулотлар (хусусан, ком-

плекс характердаги хизматлар тўғрисидаги маълумотларни очиш борасидаги чекловлар; в) нобанк кредит ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги маълумотларни йиғиш борасидаги қийинчиликлар; г) фаолият якунлари бўйича ҳисоботларни чоп этиш муддатларига риоя қилинмаслиги (ёки кечикиш).

Мазкур иш доирасида юқорида эътироф қилинган муаммолар ва ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда макропруденциал тартибга солиш тизимини шакллантириш бўйича Европа Марказий банки ҳамда банк назорати меъёрларини ишлаб чиқиш ваколотига эга халқаро ташкилотлар фаолиятини таҳлил этишга ҳаракат қиламиз.

ИЛМИЙ МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИ

Халқаро валюта фондининг Глобал молиявий барқарорлик масалалари бўйича докладиди (2018 йил октябрь) қайд этилишича: «Потенциал тизимли рискларга тегишли хавфларни бартараф этиш учун молиявий тартибга солиш ва назоратдан фаол тарзда фойдаланиш зарур. Кенг асосга, хусусан, капитални шакллантиришнинг контрциклик захираларига эга бўлган макропруденциал назорат инструментлари молиявий шароит «мўътадил» ҳолатда ва ташқи рискларга сезувчанлик даражаси юқори бўлган мамлакатларда қўлланилиши лозим. Шунингдек, банк секторидан ташқарида юзага келаётган хавфларни бартараф этиш йўли билан молиявий барқарорликни таъминлаш жараёнида янги макропруденциал инструментларни жорий қилиш та-

Ўзаро алоқадорлик ва тобелик даражаси юқори бўлган, кескин ўзгарувчан иқтисодий шароитда рисклар ўз табиати ва юзага келиш шаклини доимий тарзда ўзгартириб туради.



қозо этилади. Ниҳоят, тартибга солиш ва назорат органлари пруденциал назорат тизими таъсири доирасидан ташқарида бўлган киберхавфсизлик, молиявий технологиялар ва бошқа кўринишлардаги янги рискларга нисбатан хушёр бўлишлари керак»¹.

Россия Марказий банки макропруденциал назорат тизимининг янги механизмларини жорий этиш йўналишида 2018 йил 31 августда 4892-У сонли «Активлар турлари, риск коэффициентларига кўшимча ўрнатилган активлар турларининг хусусиятлари ва кўрсатилган активлар турларига капитал етарлилиги нормативларини ҳисоблаш учун кўшимчаларни қўллаш услубиёти» тўғрисидаги Кўрсатмани қабул қилди. Шунингдек, банк учун қарз юкласи кўрсаткичи бўйича талаблар амалиётга киритилди².

Фикримизча, макропруденциал тартибга солиш тизимини «банк фаолиятининг умумий меъёрлари ва мезонларини белгилаб берувчи, унинг услубий базасини шакллантирувчи, ахборот таъминотини амалга оширувчи ҳамда банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш юзасидан тадбирлар мажмуасини шакллантирувчи тизим» сифатида таснифлаш мақсадга мувофиқ.

Келтирилган таснифга таянган ҳолда макропруденциал назорат тизими асосий элементларининг моҳиятини тадқиқ этишга ҳаракат қиламиз. Фикримизча, макропруденциал назорат тизими куйидаги таркибий элементлардан иборат:

1. Банк фаолиятининг умумий меъёрлари ва мезонларини белгилаш банк фаолиятининг кўлами ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уч асосий йўналишда олиб борилади: а) глобал тизимни ташкил қилувчи банклар фаолиятини тартибга солиш; б) минтақавий аҳамиятга эга бўлган йирик банклар фаолиятини тартибга солиш; в) макропруденциал тартибга солиш тизими фаолиятини амалга оширувчи назорат органлари ва уларнинг фаолиятини ташкил қилиш.

2. Макропруденциал тартибга солиш тизими органлари томонидан банк стратегиясини шакллантиришнинг услубий базасини яратиш жараёни ўз таркибига келгуси тадбирлар мажмуасини олади: а) банк назорати бўйича халқаро Базель келишуви талабларининг моҳияти ва уларни банк фаолиятига жорий қилиш услубиёти юзасидан меъёрий талаблар акс эттирилган ҳужжатлар мажмуасини тайёрлаш

ва банклар эътиборига етказиш; б) миллий банк тизимининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда талабларни қайта ишлаб чиқиш ва жорий қилиш муддатларини белгилаш; в) талабларнинг банк фаолиятига жорий этилиши ҳолатини назорат қилиш учун махсус ҳисоботлар мажмуасини ишлаб чиқиш; г) банк назорати соҳасини ривожлантириш стратегиясининг асосий мақсадлари, мўлжаллари ва унга эришиш воситаларини аниқ белгилаб бериш.

3. Макропруденциал назорат тизимини шакллантиришда асосий эътибор миллий ва трансмиллий статистика органлари ўртасида ўзаро ҳисоботлар алмашуви тизимини яратиш, бошқарув талабларига мос келувчи статистик маълумотларни йиғиш ва қайта ишлашни ташкил қилиш ҳамда турли статистик органлар ўртасида ваколатларни тақсимлашга қаратилади.

4. Банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш банк балансларини «кенг қамровли баҳолаш» ва уларни ўзгартириш дастурини амалга ошириш ҳамда мамлакатларнинг энг аҳамиятли банклари учун ягона тикланиш механизми йўналишларини қамраб олади.

Макропруденциал тартибга солиш тизимини «банк фаолиятининг умумий меъёрлари ва мезонларини белгилаб берувчи, унинг услубий базасини шакллантирувчи, ахборот таъминотини амалга оширувчи ҳамда банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш юзасидан тадбирлар мажмуасини шакллантирувчи тизим» сифатида таснифлаш мақсадга мувофиқ.

¹ <https://www.imf.org/ru/Publications/GFSR/Issues/2018/09/25/Global-Financial-Stability-Report-October-2018>.

² https://www.cbr.ru/nd_base/.

Макропруденциал тартибга солиш тизими томонидан бир қатор йўналишлар бўйича қуйидаги тадбирлар комплекси ишлаб чиқилган ва амалга оширилган:

1. Глобал тизимли аҳамият касб этувчи молия-кредит институтлари фаолиятини тартибга солиш борасидаги тадбирлар қуйидаги тўрт асосий йўналишда амалга оширилди:

- молия-кредит ташкилотларининг банкротлиги ҳолатида солиқ тўловчилар бюджет маблағларини жалб этишни талаб қилмайдиган, тартибга солишнинг самарали инструментларини яратиш;

- глобал тизимни ташкил қилувчи молия-кредит институтлари капиталига нисбатан талабларни кучайтириш;

- глобал молия-кредит институтлари фаолияти устидан назорат тизимининг интенсивлиги ва самарадорлигини ошириш;

- глобал молия бозори инфратузилмаларининг барқарорлигини таъминлаш.

Глобал тизимни ташкил қилувчи банклар рўйхатига 2016 йил яқунларига кўра 30 банк, жумладан, 4та Хитой банки (Bank of China, ICBC, Agricultural Bank, China Construction) кири-

тилган⁴. 2016 йилдан бошлаб мазкур банкларнинг капиталига нисбатан кучайтирилган талаблар жорий қилинди. Мазкур жараён 2019 йилда яқунланиши режалаштирилган.

«G-20» гуруҳига кирувчи мамлакат раҳбарларининг 2015 йил Анталья шаҳрида (Туркия) ўтказилган саммитида глобал тизимни ташкил қилувчи банклар учун зарарларни қоплашнинг умумий имкониятлари стандарти (TLAC)ни жорий этиш юзасидан таклифлар қабул қилинди⁵.

TLAC талабларининг амалиётга жорий қилиниши икки босқичда амалга оширилиши назарда тутилган:

1-босқич: а) талаблар 2019 йилнинг 1 январидан кучга киради; б) TLACнинг минимал кўрсаткичи рискларга тортилган активларга нисбати 16 фоиз, аммо Базель III талаблари доирасида левераж коэффициентини (6 фоиз)дан кам бўлмаслиги зарур.

2-босқич: а) янги кучайтирилган талаблар 2022 йилнинг 1 январидан кучга киради; унга кўра б) TLACнинг минимал кўрсаткичи рискларга тортилган активларга нисбати 18 фоиз, аммо Базель III талаблари доирасида левераж коэффициентини

(6,75 фоиз)дан кам бўлмаслиги зарур.

Бунда шуни таъкидлаш зарурки, шаклланаётган бозорларга эга мамлакатлар юрисдикцияси остидаги глобал тизимни ташкил қилувчи банклар учун 2025 йилнинг 1 январидан TLACнинг минимал талаблари кўрсаткичи рискларга тортилган активларга нисбатан 16 фоиз, аммо Базель III талаблари доирасида левераж коэффициентини (6 фоиз)дан кам бўлмаслиги, 2028 йилдан мостарзда 18 ва 6,75 фоизга тенг бўлиши лозим.

2016 йилнинг сентябрь ойида Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида ўтказилган «G-20» гуруҳига кирувчи мамлакатлар раҳбарларининг саммитида Халқаро валюта фонди, Халқаро ҳисобкитоблар банки ва молиявий барқарорлик Кенгашининг қўшма маърузаси эълон қилинди. Унда турли мамлакатларда макропруденциал сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан йиғилган тажриба умумлаштирилган ва мавжуд муаммолар эътироф қилинган. Маърузада макропруденциал тартибга солиш тизимининг яхлит, барча мамлакатлар томонидан расман тан олинган методологик ёндашу-

Турли мамлакатларда қўлланилаётган макропруденциал тартибга солиш тизими тамойиллар ва хусусиятлар жамланмасидан иборат бўлиб, макропруденциал тартибга солишнинг доимий тизимини ишлаб чиқиш, рисклар ва уларни бартараф қилиш юзасидан чора-тадбирлар, иқтисодийнинг барча тармоқларини қамраб олувчи (тизимли) рискларни баҳолашга интеграцияланган ёндашувларни ўз ичига олади.

⁴ Principles on Loss-absorbing and Recapitalisation Capacity of G-SIBs in Resolution Total Loss-absorbing Capacity (TLAC) Term Sheet. Financial Stability Board. 9 November 2015; <http://www.fsb.org/wp-content/uploads/TLAC-Principles-and-Term-Sheet-for-publication-final.pdf>.

ви мавжуд эмаслиги қайд қилинган. Турли мамлакатларда қўлланилаётган макропруденциал тартибга солиш тизими тамойиллар ва хусусиятлар жамланмасидан иборат бўлиб, макропруденциал тартибга солишнинг доимий тизимини ишлаб чиқиш, рисклар ва уларни бартараф қилиш юзасидан чора-тадбирлар, иқтисодиётнинг барча тармоқларини қамраб олувчи (тизимли) рискларни баҳолашга интеграцияланган ёндашувларни ўз ичига олади. Макропруденциал сиёсатнинг амалга оширилиши молиявий барқарорлик Кенгаши, молия секторини баҳолаш Дастури, Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банки томонидан доимий асосда ўрганилиши назарда тутилган⁶.

2. Банк назорати бўйича Базель III халқаро келишувининг асосий компонентлари бўлган талаблар: а) капиталга ва рисклар бўйича маълумотларни очишга нисбатан қўйилган талабларнинг кучайтирилиши, б) қисқа муддатли ликвидлилик кўрсаткичи, в) левераж коэффициенти, г) соф барқарор молиялаштириш кўрсаткичини ишлаб чиқиш, банк назорати бўйича Базель комитети аъзолари бўлган мамлакатлар банк сектори фаолиятига тўлиқ жорий қилинганлиги таъкидланди⁷.

Шу ўринда банк фаолиятини тартибга солиш юзасидан сезиларли муваффақиятга эришган Европа Марказий банкида йиғилган тажрибанинг алоҳида жиҳатларини тадқиқ қиламиз.



«G-20» гуруҳига кирувчи мамлакат раҳбарларининг 2015 йил Анталья шаҳрида (Туркия) ўтказилган саммитида глобал тизимни ташкил қилувчи банклар учун зарарларни қоплашнинг умумий имкониятлари стандарти (TLAC)ни жорий этиш юзасидан таклифлар қабул қилинди.

Европа минтақасида амалга оширилаётган банк бизнесида даромадлилик даражасининг пастлиги, муддати ўтган кредит ҳажмининг тўхтовсиз ошиб бориши, шубҳали активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захираларга ажратмалар миқдорининг катталиги ҳамда vulnerable countries сифатида таснифланувчи мамлакатлар⁸ иқтисодиётининг нобарқарорлиги Евро зонасининг банк секторида юқори даражадаги тизимли рисклар сақланиб қолишига олиб келди. Бундай рисклар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

◆ Иқтисодий ва молиявий инқирозлар. Улар активларнинг қиймати ва банклар

даромадлиги даражасига салбий таъсир қилиш билан бир қаторда инвесторларнинг Евро зонаси банк секторига бўлган ишончини пасайтиради;

◆ Миллий иқтисодиётда ислохотларнинг амалга оширилишидаги камчиликлар, банкларни рекапитализациялашга бўлган талабнинг инobatга олинмаслиги, облигациялар бўйича даромадлилик даражасининг ошиб бориши натижасида суверен қарзлар бозорида кўплаб муаммолар юзага келиши;

◆ Жаҳон молия бозорларидаги кескин ўзгарувчанликнинг сақланиб қолиши;

◆ Инқироз ҳолатлари давом этаётган мамлакатлардаги

⁶ International Monetary Fund, July 2016; <http://www.imf.org/external/pubs/ft/sr/2016/cr16231.pdf>.

⁷ Tenth Progress Report on Adoption of the Basel Regulatory framework, Basel Committee on Banking Supervision, April 2016. <http://www.bis.org/bcbs/publ/d366.pdf>.

⁸ Бундай мамлакатлар жумласига Кипр, Греция, Ирландия, Италия, Португалия, Испания ва Словения кирди.

банк секторининг капиталлашув жараёни муаммолари.

Европа банк тизими фаолиятини барқарорлаштириш ва унга бўлган ишончни мустаҳкамлаш учун Евро зонасида Банк иттифоқи (Banking Union⁹) ташкил қилинди. Мазкур иттифоқнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши назарда тутилган:

- молия хизматларини кўрсатишнинг ягона қоидалари жамланмаси (single rule book for financial services)¹⁰;

- ягона назорат механизми (single supervisory mechanism, SSM)¹¹;

- евро зонасига кирувчи мамлакатларнинг энг аҳамиятли банклари учун ягона тикланиш механизми (single resolution mechanism, SRM)¹²ни ишлаб чиқиш.

2013 йил 15 октябрь кунини Европа Кенгашининг 1024/2013-сонли қарори эълон қилиниб, унда ягона назорат механизмини шакллантириш ва жорий қилиш бўйича Европа Марказий банкининг вазифалари ва сиёсати белгилаб берилди. Лойиҳани амалга ошириш учун 2013–2014 йиллар давомида энг аҳамиятли кредит ташкилотларида (significant) банк активларининг реал ҳолати, банкларнинг тўловга қодирлик даражаси, иқтисодий

Европа Марказий банки евро зонаси банк секторидида жамланган активларнинг 82 фоизига эгалик қилаётган 120та энг аҳамиятли банклар фаолиятини бевосита назорат қилади, қолган деярли 3,5 минг банк учун назорат стандартларини ишлаб чиқади.

конъюнктуранинг ўзгаришига банкларнинг сезувчанлиги масалаларини «кенг қамровли баҳолаш» (comprehensive assessment) тартиб-тамойили амалга оширилди.

Ягона назорат механизмини бошқариш учун 2014 йилнинг бошида назорат бўйича Кенгаш (Supervisory Board) ташкил қилинди. Ягона назорат механизмини шакллантириш борасидаги ташкилий фаолият қуйидаги йўналишларни қамраб олди:

Биринчи йўналиш – Европа Марказий банки томонидан бевосита назорат қилинувчи энг аҳамиятли кредит ташкилотларини танлаш тамойилларини ишлаб чиқиш. Танлов қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилди:

- ◆ кредит ташкилоти ихтиёридаги активларнинг умумий суммаси 30 млрд. евродан ошиқ бўлиши;

- ◆ кредит ташкилоти активлари суммасининг тегишли мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 20 фоизидан ошиқ бўли-

ши (активлар суммаси 5 млрд. евродан кам бўлмаслиги шарт билан);

- ◆ кредит ташкилоти мамлакат энг аҳамиятли уч кредит институтларидан бири бўлиши.

Бундан ташқари, энг аҳамиятли кредит ташкилотлари жумласига фаол трансмиллий операцияларни олиб борувчи ёки молиявий барқарорликни таъминлаш Европа фонди (European Financial Stability Facility)¹³ ёки Европа барқарорлаштириш механизми (European Stability Mechanism)¹⁴ дастурлари доирасида молиявий кўмак олаётган банклар киритилди.

Иккинчи йўналиш – назорат фаолияти бўйича меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш. Бунда банкларнинг аҳамиятлилик даражасини аниқлаш, ягона назорат механизмини амалга оширишда Европа Марказий банки, трансмиллий назорат ташкилотлари¹⁵ ва евро зонаси мамлакатлари банк органлари ўртасида ваколотларни тақсим-

⁹ Европа иттифоқининг расмий сайти http://ec.europa.eu/finance/general-policy/banking-union/index_en.htm маълумотлари асосида.

¹⁰ Асос: <http://www.eba.europa.eu/regulation-and-policy/single-rulebook>.

¹¹ Асос: http://ec.europa.eu/finance/general-policy/banking-union/single-supervisory-mechanism/index_en.htm.

¹² Ягона тикланиш механизми банкротлик ҳолатига келиб қолган евро зонаси банкларига молиявий кўмак бериш учун ташкил қилинган. Унинг дастурлари 2016 йилнинг январидан ўз фаолиятини бошлаган. Махсус фонд фаолияти Single Resolution Fund, SRF орқали амалга оширилади.

Асос: http://ec.europa.eu/finance/general-policy/banking-union/single-resolution-mechanism/index_en.htm.

¹³ Расмий сайти манзили: <http://www.efsf.europa.eu/about/operations/index.htm>.

¹⁴ Расмий сайти манзили: <http://www.esm.europa.eu>.

¹⁵ Бунда Европа банк кенгаши (EBA), молиявий назорат бўйича Европа тизими (SSES), тизимли рисклар бўйича Европа кенгаши (ESRB); суғурталаш ва нафақалар соҳасидаги назорат бўйича Европа кенгаши (EIOPA) ва бошқа бир қатор ташкилотлар назарда тутилди.



лаш, фаолиятни мувофиқлаштириш каби кўплаб масалаларга эътибор қаратилди.

Учинчи йўналиш – ягона назорат механизмининг ташкилий тузилмасини шакллантириш. Мазкур вазифанинг бажарилишида асосий эътибор энг аҳамиятли кредит ташкилотлари фаолиятини мунтазам кузатиб бориш ва уларнинг молиявий аҳволи тўғрисидаги турли аналитик материалларни тайёрлаш (supervisory review and devaluation process, SREP), шунингдек, рискларни баҳолаш тизимини такомиллаштириш (risk assessing system, RAS) каби ишларни бажарувчи бирлашган назорат гуруҳлари тармоғининг (joint supervisory teams, JSTs)¹⁶ ташкил қилинишига қаратилди.

3. Янги назорат механизми фаолияти самарадорлигини таъминлаш учун статистик маълумотларни йиғиш тизимини ташкил қилиш. Тизим биринчи навбатда рискларни баҳолаш дастури талабларини қаноатлантириши лозим бўлиб, маълумотлар таҳлил қилинаётган банкларнинг маълум турига мойиллигига қараб гуруҳланади. Бунда бир қатор ахборот модулларининг қўлланилиши назарда тутилади. Масалан, назорат маълумотлари модули молиявий назоратнинг Европа тизими (European System of Financial Supervisors) ҳисоботи кўрсаткичларига асосланади ва унда банкларнинг молиявий ҳолати

ҳамда тўловга қодирлиги бўйича батафсил маълумотлар акс эттирилади¹⁷.

4. Банк балансларини «кенг қамровли баҳолаш» ва уларни ўзгартириш дастурини амалга ошириш. Дастур ўзаро боғлиқ икки элементни ўз ичига олади:

- банк балансидаги активлар сифатини баҳолаш (asset quality review, AQR). Бунда бош эътибор баланс ва балансдан ташқари позициялар бўйича кредит ва бозор рискларини таҳлил қилиш, ссудалар бўйича муддати ўтган қарзларга қаратилади;

- стресс-тестдан ўтказиш. У биринчи элемент натижаларини тўлдирган ҳолда банкларнинг молиявий конъюктуранинг ноқулай ўзгаришига чидамлигини баҳолашга хизмат қилади.

Эътироф қилиш зарурки, 2014 йилнинг 4 январидаги пресс-релиз орқали Европа Марказий банки «евро зонаси банклари фаолияти устидан назорат ўрнатиш бўйича жавобгарликни ўз зиммасига олиши»ни баёнот берди¹⁸. Назорат шакллантирилган ягона назорат механизми тузилмаси ёрдамида амалга оширилади. Европа Марказий банки евро зонаси банк секторидида жамланган активларнинг 82 фоизига эгалик қилаётган 120та энг аҳамиятли банклар фаолиятини бевосита назорат қилади, қолган деярли 3,5 минг банк учун назорат стандартларини ишлаб чиқади.

Мазкур мақола доирасида ўтказилган тадқиқотлар якунига кўра, фикримизча, бир қатор ҳулосалар шакллантирилиши мумкин:

Биринчидан, макропруденциал тартибга солиш тизими фақат назорат функциялари билан чекланмасдан, шунингдек, банк фаолиятининг умумий меъёрлари ва мезонларини ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

Иккинчидан, макропруденциал назорат тизими элементлари зиммасига аниқ вазифаларнинг қўйилиши ва уларга мос бўлган ваколатларнинг берилиши банк назорати самарадорлигини белгилаб берувчи омил ҳисобланади.

Учинчидан, макропруденциал тартибга солиш тизими таркибий тузилмасида статистик маълумотларни йиғиш тизимининг ташкил қилиниши банк фаолиятини назорат қилиш жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

ABSTRACTS

MACROPRUDENTIAL REGULATION OF BANKING ACTIVITIES AND ITS METHODOLOGICAL AND PRACTICAL FEATURES

In his article, the author talks about the system of macroprudential regulation as a system that defines the general norms and criteria of the bank's activity, forms its methodological base, provides information support and forms a set of measures to ensure the financial stability of the banking system.

¹⁶ www.bankingsupervision.europa.eu/banking/approach/jst/html/index.en.html маълумотлару асосида.

¹⁷ http://europa.eu/rapid/press-release_MEMO-09-404_en.htm маълумотлару асосида.

¹⁸ www.ecb.europa.eu/press/pr/date/2014/html/index.en.html маълумотлару асосида.